ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ ҚАРОРИ

Аудитор малака сертификатини олиш учун ўтказиладиган малака имтиҳони регламенти, Аудитор малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Аудиторларнинг малакасини ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ–5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Аудитор малака сертификатини олиш учун ўтказиладиган малака имтиҳони регламенти 1-иловага мувофиқ;

Аудитор малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Аудиторларнинг малакасини ошириш дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

тасдиқланган Аудиторларнинг малакасини ошириш дастурига мувофиқ аудиторларнинг малакасини ошириши бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилот томонидан аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан 40 соат ҳажмида амалга оширилади;

аудитор ҳар йили, аудиторнинг малака сертификатини олган йилдан кейинги йилдан бошлаб аудиторларнинг малакасини оширади;

аудиторнинг йиллик малака оширишдан ўтмасилиги аудиторнинг малака сертификатини амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва “Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi” маъсулияти чекланган жамияти билан келишилган.

4. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси **М.Тулаходжаева**

Тошкент ш.,
2021 йил 06 сентябрь,
38/ММ-сон

Ўзбекистон аудиторлар палатаси Кенгаши раиси **Н.Каримов**

Тошкент ш.,
2021 йил 06 сентябрь,
27/1 -сон

Келишилган:

Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари **Д. Султанов**

2021 йил 06 сентябрь

“Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi” маъсулияти чекланган жамияти директори **Ф.Абдурахманова**

2021 йил 06 сентябрь

Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий ассоциацияси,
Ўзбекистон аудиторлар палатасининг
2021 йил "6" сентябр даги
38/ИМ,27/1-сон қарорига
1-ИЛОВА

Аудитор малака сертификатини олиш учун ўтказиладиган малака имтиҳони РЕГЛАМЕНТИ

Мазкур Регламент, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси (кейинги ўринларда - аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари) томонидан таъсис этилган "Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi" маъсулияти чекланган жамият (кейинги ўринларда BAIM деб юритлади) имтиҳон маркази томонидан аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонини ўтказиш тартиб-таомилларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламентда қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

талабгор - аудитор малака сертификатини олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун BAIMга ҳужжатларни тақдим этган жисмоний шахс;

малака имтиҳони – аудитор малака сертификатини олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун BAIMнинг Имтиҳон комиссияси томонидан талабгорнинг касбий билимини текшириш тартиб-таомили.

2. BAIM ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида қуйидагилар жойлаштирилади:

тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва малака имтиҳонини топшириш, аудиторнинг малака сертификатини қайта расмийлаштириш бўйича ариза намуналари;

аудитор малака сертификатининг бланка шакли;

малака имтиҳонини ўтказиш муддатига 15 кундан кеч қолмаган муддатда малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги маълумот;

малака имтиҳонларини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхати (20 кишидан кўп бўлмаган гуруҳларда);

малака имтиҳонининг мавзулар бўлимлари бўйича имтиҳон тестларнинг намунавий тўплами;

малака имтиҳонига тайёргарлик кўриш учун тавсия этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда ўқув адабиётлари рўйхати;

малака имтиҳон натижалари (малака имтиҳони ўтказилгандан сўнг икки кун мобайнида);

мазкур Регламентга мувофиқ бошқа маълумотлар.

2-боб. Имтиҳон комиссияси

3. Малака имтиҳонининг ўтказилишини назорат қилиш ва унинг натижаларини баҳолаш учун камида тўрт кишидан иборат Имтиҳон комиссияси тузилади, шу жумладан комиссия раиси.

4. Имтиҳон комиссияси ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида тузилади ва доимий фаолият юритувчи ҳисобланмайди.

5. Имтиҳон комиссиясининг шахсий таркиби аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишилган ҳолда BAIMнинг қарори билан тасдиқланади.

6. Имтиҳон комиссиясига малака имтиҳони бошланишидан олдин мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ шаклда малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхати тақдим этилади.

7. Имтиҳон комиссияси имтиҳон тестларини, уларга рухсатсиз ёки тасодифан кириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, блокировка қилиш, нусха кўчириш, тестларни тарқатишдан ҳимоя қилиш учун зарур ташкилий ва техник чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди.

3-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш

8. Малака имтиҳони реал вақт режимида, тест синови усулида, компьютердан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

9. Малака имтиҳони ўтказиладиган аудиториялар видеокузатув ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади.

10. Талабгорларни аудиторияга киритиш паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилганда амалга оширилади.

Талабгор паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим қилмаганда ёхуд малака имтиҳонига кечиккан тақдирда малака имтиҳонига қўйилмайди ва малака имтиҳонига келмаган ҳисобланади. Бунда талабгор навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади.

11. Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун алоҳида ишчи стол ва компютер техникаси тақдим этилади.

12. Талабгорларни аудиторияга жойлаштиришда талабгорлар ўртасида мулоқот қилиш имкониятини чеклаш лозим.

13. Малака имтиҳони пайтида аудиторияда фақат талабгорлар, Имтиҳон комиссияси аъзолари ва компютер техникасига хизмат кўрсатувчи мутахассис бўлиши мумкин.

14. Талабгорларга тест топшириқларининг мазмуни тўғрисида маълумот бериш ва аудиторияни узрли сабабларсиз тарк этиш Имтиҳон комиссияси аъзоларига тақиқланади.

15. Малака итиҳони пайтида қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

имтиҳон тест саволларини тўлиқ ёки қисман кўпайтириш ва(ёки) тарқатиш (шу жумалдан шпаргалкадан фойдаланиш);

малака имтиҳони ўтказилаётган пайтда қонунчилик ҳужжатлари, йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан, уяли телефондан ёки бошқа ахборот технология воситаларидан (шу жумладан калькулятор сифатида) фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш;

малака имтиҳони тугагунга қадар, узрли сабабсиз аудиториядан чиқиб кетиш.

Ушбу талабларини бузган талабгорга нисбатан қуйидаги чоралардан бири кўрилади:

агар талабгор, имтиҳон тест саволларини тўлиқ ёки қисман кўпайтирса ва(ёки) тарқатса, шу жумалдан шпаргалкадан фойдаланса, имтиҳонлардан бутунлай четлатилади ва аудиторлик касбий фаолияти учун нолойиқ ҳисобланади;

бошқа ҳолларда олти ой муддатга четлатилади.

Малака имтиҳонидан четлатилган талабгорга нисбатан ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Имтиҳон комиссиясининг далолатномаси тузилади.

16. Талабгорнинг барча шахсий нарсалари, шу жумладан мобил телефон ёки бошқа ахборот технологиялари воситалари (ўчирилган ҳолатда) махсус ажратилган жойда сақланади. Талабгорга ўзи билан бирга ичимлик суви, дори ва малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган бошқа воситалар (кўзойнак, линзалар) бўлишига рухсат этилади.

17. Малака имтиҳонини ўтказиш билан боғлиқ саволлар пайдо бўлганда, талабгор қўлини кўтариб имтиҳон комиссияси аъзосига мурожаат қилади ва яқинлашгандан сўнг бошқа талабгорларнинг эътиборини чалғитмасдан саволини беради.

4-боб. Талабгорни компьютерда тестдан ўтказиш

18. Компьютер орқали тест ўтказиш бошланишидан олдин, имтиҳон комиссияси:

талабгорларга малака имтиҳонини ўтказиш регламенти ва реал вақт режимида компьютер тестларидан ўтиш бўйича кўрсатма;

талабгорларга компьютер тестларидан ўтиш учун махсус дастурий тизимига якка тартибда кириш имкониятини беради.

19. Компьютер тестлари бошланиши эълон қилингандан ва талабгор шахсий логин ва паролини компютер тизимига киритган пайтдан бошлаб, имтиҳон

топшириқларига кириш очилади ва компютер синовлари учун ажратилган вақт бошланади.

20. Компьютер тестлари талабгор томонидан мустақил равишда давлат ёки рус тилида топширилади (ихтиёрий).

21. Талабгорга компьютер орқали тест синовларидан ўтиш учун 3 соат (180 дақиқа) вақт берилади.

22. Ҳар бир талабгорга имтиҳон тестлар тўплами базасидан тасодифий танлаш орқали реал вақт режимида автоматик тарзда шакилланадиган якка тартибдаги тестлар жамланмаси тушади.

23. Якка тартибдаги имтиҳон тестлар тўплами қуйидаги бўлимлар бўйича 60 та саволдан иборат бўлади:

Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоб (кейинги ўринларда МҲХС деб юритилади);

Бошқарув ҳисоби ва молиявий таҳлил;

Аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда АХС деб юритилади);

Солиқ солиш;

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

Имтиҳон тестларининг саволлари зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, МҲХС ва АХСларга киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

Имтиҳон тестларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва янгилаш учун камида уч кишидан иборат аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари вакилларидан Ишчи комиссия тузилади. Ишчи комиссия ўз фаолиятини мустақиллик, холислик ва ҳалоллик, касбий билимга эгалик ҳамда ахборотнинг махфийлиги принципларига мувофиқ амалга оширади.

24. Тест топшириқларининг ҳар бир саволига кириб танишиш учун талабгорга очиқ бўлади. Тест топшириқлари саволларига жавоб бериш кетма-кетлиги талабгор томонидан мустақил равишда белгиланади. Барча тест топшириқларига жавоб бериш учун ажратилган вақт давомида талабгорга жавоблари белгиланмаган тест топшириқларига қайтишга рухсат берилади.

25. Тест топшириқларига талабгорнинг кириш имкони тест топшириғининг охирги саволига жавоб бергандан сўнг ёки барча тест топшириғининг саволлари бўйича жавоб учун ажратилган вақт якунланганда автоматик тарзда чекланади.

26. Агар тест синовлари пайтида компютер ускуналари ишида техник носозлик юз берса ёки тест синовларини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолат юзага келса, техник носозликни ёки тест синовларини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатни бартараф этиш чоралари кўрилади, талабгорга тест синовларини тўлиқ якунлаш имконияти берилади.

Агар компютер тест синовлариини якунлаш имконияти бўлмаса, талабгорнинг компютер тест синовларидан ўтиши учун бошқа сана белгиланади.

27. Компютер тест синови учун ажратилган вақтдан олдин тугатган талабгор аудиторияни тарк этиши шарт.

28. Компютер тест синовларига ажратилган вақт тугагандан сўнг, талабгор малака имтиҳони, компютер тестларидан ўтиш регламенти билан танишишганини

тасдиқлаш учун ушбу мазкур Регламентнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги аризага имзо чекади ва аудиторияни тарк этади.

5-боб. Малака имтиҳони натижаларини расмийлаштириш

29. Компютер тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг, компютер тест синовлари натижалари чоп этилади ва имтиҳон комиссиясига тақдим этилади.

30. Малака имтиҳонининг натижалари у ўтказилган куни:

ушбу Регламентнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги умумий баённома;

аудиторлик малака сертификатини олиш/амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ҳар бир талабгор учун мазкур Регламентнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги шахсий баённома расмийлаштирилади.

31. Имтиҳон комиссияси баённомаси унинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари кенгашлари раисларига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Кейинчалик баённомалар BAIMда 5 йил сақланади.

32. Агар талабгорнинг тўғри жавоблари сонининг якуний натижаси 75 фоиз ва ундан кўп бўлса, талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

33. Ҳар бир талабгор учун компьютер тестлари натижалари BAIM маълумотлар базасида малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб беш йил давомида сақланади.

34. Агар талабгор малака имтиҳонини топшириш учун икки марта келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилади.

35. Малака имтиҳонини топшира олмаган ва малака имтиҳонига келмаган талабгорларга ҳужжатларни текшириш учун йиғим қайтарилмайди.

36. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор ҳужжатларни малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай топширади. Ҳужжатларни қайта топшириш мазкур Регламентда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аудитор малака
сертификатини олиш учун малака
имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги
регламентга
1-ИЛОВА

Малака имтиҳонига қабул қилинган
талабгорлар рўйхати

Гуруҳ № _____
Компютер тест синовлари бўлиб ўтган сана 20__йил "___"_____

Т/р	**Талабгорларнинг Ф.И.О.**
1	
2	
3	
4…	

Эксперт комиссияси раиси _____
(имзо , Ф.И.О.)

Эксперт комиссияси аъзолари:

_____
(имзо , Ф.И.О.)

_____
(имзо , Ф.И.О.)

Аудитор малака
сертификатини олиш учун малака
имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги
регламентга
2-ИЛОВА

Аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонидан четлатиш тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳар 20____ йил "_____" _____

Биз, қуйида имзо чекувчилар Аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги регламентнинг 15-банди талабларига мувофиқ қуйидагиларни тасдиқлаймиз, талабгор

_____

(Ф.И.Ш.)

соат _____ : _____ да қуйидаги сабабларга кўра малака имтиҳонидан четлатилди:

_____

(сабаби кўрсатилсин)

Имтиҳон комиссияси раиси _____ *(имзо, Ф.И.О.)*

Имтиҳон комиссияси аъзолари:

_____
(имзо, Ф.И.О.)

_____
(имзо, Ф.И.О.)

Аудитор малака
сертификатини олиш учун малака
имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги
регламентга
3-ИЛОВА

Талабгорларни малака имтиҳонлари тўғрисидаги регламент билан таништириш рўйхати

Гуруҳ № _____

Компютер тест синовлари бўлиб ўтган сана 20__йил "____" _____

Т/р	Талабгорнинг Ф.И.О.	Тест натижаси (балл)	Малака имтиҳони ва компютер синовлари қоидалари билан танишдим (шикоятим йўқ)	Талабгор имзоси
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
…				

Имтиҳон комиссияси раиси (имзо)

Аудитор малака
сертификатини олиш учун малака
имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги
регламентга
4-ИЛОВА

Аудитор малака сертификатини олиш/амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза берувчиларнинг малака имтиҳонлари натижалари баённомалари

Гуруҳ № _____

Компютер тест синовлари бўлиб ўтган сана 20__йил "_____"
_____

Т/р	Талабгорнинг Ф.И.О.	Тўғри жавоблар сони	Нотўғри жавоблар сони	Натижа (%да)
11				
22				
33				
44				
55				

Малака имтиҳони бўлиб ўтган жой _____
(ташкилотнинг номи)

Имтиҳон комиссияси раиси

_____
(имзо, Ф.И.О.)

Имтиҳон комиссияси аъзолари:

_____
(имзо, Ф.И.О.)

_____
(имзо, Ф.И.О.)

Аудитор малака
сертификатини олиш учун малака
имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги
регламентга
5-ИЛОВА

Аудиторнинг малака сертификатини олиш/амал қилиш муддатини узайтириш учун талабгорнинг компютер синовлари натижалари тўғрисидаги шахсий баённома

Гуруҳ №_____

Талабгор(аудитор)нинг исм ва фамилияси _____

Компютер тест синовлари бўлиб ўтган сана 20__ йил «____»
_____

Натижалар:
Тўғри жавоблар сони _____
Нотўғри жавоблар сони _____
Умумий (%да)_____
Имтиҳон комиссияси қарори: малака имтиҳонини_____
(топшира олди / топшира олмади)

Имтиҳон комиссияси раиси _____ *(имзо, Ф.И.О.)*

Имтиҳон комиссияси аъзолари:

_____
(имзо, Ф.И.О.)

_____
(имзо, Ф.И.О.)

Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий ассоциацияси,
Ўзбекистон аудиторлар
палатасининг
2021 йил “ 6 ” сентябрь даги
38 MN ,271-сон қарорига
2-ИЛОВА

Аудитор малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси (кейинги ўринларда аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари деб юритилади) томонидан таъсис этилган “Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi” маъсулияти чекланган жамият имтиҳон марказининг (кейинги ўринларда BAIM деб юритилади) аудитор малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш тартиб-таомилларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

талабгор – аудитор малака сертификатини олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун BAIM га ҳужжатларни тақдим этувчи жисмоний шахс;

малака имтиҳони – аудиторнинг малака сертификатини олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун BAIMнинг Имтиҳон комиссияси томонидан талабгорнинг касбий билимини текшириш тартиб-таомили;

бухгалтерларнинг халқаро сертификати – Молия вазирлиги ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ сертификатлар.

2-боб. Аудиторнинг малака сертификати

2. Аудиторнинг малака сертификати (кейинги ўринларда сертификат деб юритилади) мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ электрон шаклдаги

ҳужжат ҳисобланиб, аудиторнинг малакасини тасдиқлайди ва аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини беради.

3. BAIMнинг веб-сайтида QR-код (матрицали штрих-код) қўйилган талабгорларнинг электрон шаклда олган сертификатларининг электрон маълумотлар базаси, шунингдек ҳар йилги малака ошириш, сертификатни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайтида аудиторларнинг рўйхати жойлаштирилади.

4. Талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда, сертификат дастлаб беш йил муддатга берилади, унинг амал қилиш муддати навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилади.

5. Дастлабки беш йиллик муддат ўтгандан кейин навбатдаги ўн йиллик муддатга узайтириш аудитор малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда ёки малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

6. Малака имтиҳонини топширмасдан:

бухгалтернинг халқаро сертификати бўлганда, сертификат дастлабки беш йиллик муддатга берилади ва белгиланган даврийликда узайтирилади;

аудиторда ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажи бўлганда ҳамда ҳар йиллик малака оширишдан ўтганлиги тасдиқланганда, сертификат белгиланган даврийликда узайтирилади.

7. Аудитор, сертификат олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган малака ошириш дастури бўйича 40 соатлик ҳажмда малака оширишдан ўтади.

3-боб. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари

8. Малака имтиҳонини топшириш учун талабгор қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим:

олий маълумотга, олий таълим муассасини битирганидан сўнг охирги ўн йил ичида камида уч йиллик аудит ва (ёки) бухгалтерия ҳисоби соҳасида ёхуд шу соҳаларда олий таълим муассасаларида дарс бериш бўйича амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши;

“бухгалтерия ҳисоби” ёки “аудит” мутахассисликлари бўйича магистр дипломига ва аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши;

фаннинг иқтисодий тармоқлари соҳасида илмий даражага эга бўлиши.

Бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда қабул қилинади.

4-боб. BAIM Эксперт комиссияси томонидан талабгорлар ҳужжатларининг кўриб чиқилиши

9. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун BAIMга қуйидагиларни электрон шаклда тақдим этади:

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ сертификат олиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжат ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш гувоҳномаси;

агар мавжуд бўлса, бухгалтернинг халқаро сертификати нусхаси, ушбу ҳужжатни берган ташкилотнинг расмий веб-манбасига ҳавола кўрсатилган ҳолда;

меҳнат дафтарчаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси тизимидан кўчирма), ўриндошлик бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақида меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган ҳолда;

JPG форматдаги электрон фотосурат;

малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун BAIMга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси.

Мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан BAIMга электрон алоқа воситалари орқали уларни олинганлигини тасдиқловчи хабарнома билан бирга топширилади (электрон ҳужжат ҳажми 10 MB дан ошмаслиги лозим).

Талабгордан мазкур тартибда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Талабгорлар ҳужжатларини тўплаш ва кўриб чиқиш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари вакиллари орасидан уч кишидан кам бўлмаган таркибда BAIMнинг Эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Эксперт комиссияси деб юритилади) ташкил қилинади.

11. Эксперт комиссияси талабгорнинг аризаси тушган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида:

талабгорнинг малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида ёхуд малака имтиҳонини топширмасдан сертификатнинг амал қилиши муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади;

қабул қилинган қарорни ҳар бир талабгор бўйича Эксперт комиссиясининг хулосаси билан мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ расмийлаштиради;

малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхатини (гуруҳлар бўйича 20 кишидан кўп бўлмаган), шунингдек малака сертификати ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш малака имтиҳонини топширмасдан бериладиган бухгалтернинг халқаро сертификатига ёки ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажига эга бўлган талабгорлар рўйхатини шакллантиради.

12. Эксперт комиссияси талабгорлардан келиб тушган ва кўриб чиқилган ҳужжатларининг электрон реестрини (кейинги ўринларда–реестр) юритади, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

боғланиш учун маълумотлар;

ариза келиб тушган сана, ҳужжатлар рўйхати ва қабул қилинган қарор;

малака имтиҳонида иштирок этганлик ҳақида маълумотлар (санаси ва натижаси);

бошқа маълумотлар.

13. BAIMнинг веб-сайтида фойдаланаши учун қулай бўлган реестрдаги қуйидаги маълумотлар жойлаштирилади;

талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

аризанинг келиб тушиш санаси;

талабгорнинг малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш (рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда) тўғрисидаги маълумот;

бошқа маълумот.

14. Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун рухсат беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлади:

талабгорнинг малака талабларига жавоб бермаслиги;

ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлиқ бўлмаган ҳолатда ёки соҳта ҳужжатлар тақдим этилганлиги.

Бошқа сабабларга кўра талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун рухсат беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган талабгор фақат рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнг ариза билан қайта мурожаат қилишига ҳақли.

16. Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга 15 кундан кўп бўлмаган муддат берилади.

17. Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш уч иш кунида амалга оширилади. Қайта тақдим этилган аризани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

18. Агар малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилишига асос бўлиб хизмат қилган камчиликлар 15 кун мобайнида бартараф этилмаса, бунда талабгорнинг аризаси янгидан тақдим этилган деб ҳисобланади.

5-боб. BAIMнинг Малака комиссияси

19. Сертификатни расмийлаштириш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат BAIMнинг Малака комиссияси (кейинги ўринларда малака комиссияси деб юритилади) ташкил этилади.

20. Малака комиссияси томонидан қуйидагилар олингандан сўнг 10 кун ичида электрон шаклдаги сертификатлар расмийлаштирилади:

Мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари Кенгаши раислари томонидан тасдиқланган Малака комиссиясининг баённомалари;

Мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериладиган (амал қилиш муддати узайтириладиган) талабгорларнинг аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари Кенгаши раиси томонидан тасдиқланган рўйхати, шунингдек Эксперт комиссиясининг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ҳақида ҳар бир талабгор бўйича хулосалари.

21. Электрон шаклда расмийлаштирилган сертификат талабгорлар томонидан олинган сертификатларнинг электрон маълумотлар базасига юкланади, бунда сертификатда унинг берилган санаси, амал қилиш муддатини узайтириш санаси, рўйхат рақами ва QR-код (матрицали штрих-код) қўйилганлиги кўрсатилади.

6-боб. Аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш

22. Аудитор, малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, бироқ малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда BAIMга малака сертификатининг муддатини узайтириш тўғрисида ариза ва унга қуйидагиларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади:

малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда, унинг нусхаси;

меҳнат дафтарчаси нусхаси (меҳнат стажини тасдиқловчи "Электрон меҳнат дафтарчаси" тизимидан кўчирма).

Мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатлар Эксперт комиссияси томонидан умумий белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

23. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида ариза берилган санадан то унинг амал қилиш муддати тугаган санагача бўлган вақт даври аудитор сифатидаги узлуксиз иш стажини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

Аудитор лавозимига тайинлашлар оралиғидаги вақт бир ойдан ошмаган бўлса, ушбу давр аудитор сифатидаги узлуксиз иш стажини аниқлашда узилиш деб ҳисобланмайди.

24. Малака сертификати муддатини узайтириш Малака комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 8 ва 23-бандларида белгиланган талабларга риоя этилганда ҳамда аудитор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда ёки аудитор халқаро бухгалтер сертификатига ёки аудитор бўлиб ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз иш стажига эга бўлганганда расмийлаштирилади.

25. Малака сертификатининг амал қилиш муддати электрон шаклдаги малака сертификатининг бланкасида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

26. Аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтиҳонидан ўта олмаган тақдирда, малака сертификатини қайтадан бериш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

7-боб. Аудиторнинг малака сертификатини қайта расмийлаштириш

27. Аудиторнинг фамилияси (исми, шарифи) ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан сўнг 10 кундан кечиктирмасдан BAIMга электрон шаклда малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза топшириши ва унга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши лозим.

28. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши тегишли ариза берилган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

8-боб. Аудиторнинг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш

29. Малака сертификатининг амал қилиши Малака комиссияси томонидан уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади.

30. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

аудиторнинг сертификатнинг амал қилиш муддатини тугатиш ҳақидаги аризаси;

аудиторлик фаолиятида уч йил давомида иштирок этмаслик;

аудиторнинг сертификат расмийлаштирилгандан кейин олти ой давомида сертификатни олишга келмаслиги;

сертификат бериш ҳақидаги қарорнинг ноқонуний эканлиги далилининг аниқланганлиги;

сертификатнинг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги далилининг аниқланганлиги;

суднинг муайян лавозимларни эгаллаш тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

сертификат эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори;

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларини мунтазам (икки мартадан ортиқ) ёки бир марта қўпол равишда бузганлик.

31. Бир марта қўпол равишда бузиш деб топилади:

Аудиторлик текширувини ўтказаётганда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган чекловларни бузиш;

қасддан сохта аудиторлик хулосасини тузиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда қўлга киритилган махфий ахборотни буюртмачининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик текширувини ўтказишда аниқланган хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгиланган талабларни бузиш далилларининг аудитор томонидан яширилиши;

сертификатни бошқа шахсга унинг ушбу ҳужжатдан ўз номидан аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бериш далилининг аниқланиши;

аудиторнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширишларда аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида шартнома тузмасдан мутахассис сифатида иштирок этиши;

аудитор бир вақтнинг ўзида биттадан кўп аудиторлик ташкилотида муассис (иштирокчи) бўлиши фактининг аниқланиши;

аудиторнинг ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтмаганлиги.

32. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини бузганлик учун сертификатнинг амал қилиши тугатилган аудитор, сертификат амал қилиши тугатилган санадан бошлаб уч йил мобайнида сертификатни такроран олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

33. Аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилишига сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбарининг, шунингдек аудиторнинг сертификати амал қилиши аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилган санадан эътиборан тугатилади.

34. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

35. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор беш кунлик муддатда аудиторга ва ушбу аудитор хизмат кўрсатаётган аудиторлик ташкилотига юборилади.

36. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор BAIM, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтларида эълон қилинади.

9-боб. Якуний қоидалар

37. Мазкур Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

38. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Аудиторнинг малака сертификатини бериш,
қайта расмийлаштириш, амал қилиши муддатини
узайтириш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Аудиторнинг малака сертификати электрон бланкаси шаклининг намунаси

“Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi”
Имтиҳон марказининг Малака комиссияси

АУДИТОРНИНГ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ
____-сон

Расм учун жой

20__йил «___» _____

Аудиторнинг малака сертификаси Малака комиссияси томонидан

_____

(кимга - аудитор малака сертификатини олган шахснинг Ф.И.О*)*

_____

(жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами)

20__ йил «__»_____ даги малака имтиҳон комиссиясининг қарорига асосан аудитор малака сертификати 20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача муддатга берилди.

_____ _____

(Малака имтиҳони раиси Ф.И.О.) *(имзо)* QR code

Аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддати _____

20___ йил «___» _____ дан 20___ йил «___» _____гачаа узайтирилди.

_____ _____

	(Малака имтиҳони раиси Ф.И.О.)		*(имзо)*	QR code

Аудиторнинг малака
сертификатини бериш, қайта
расмийлаштириш, амал қилиши
муддатини узайтириш ва тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«Buxgalterlar va auditorlar imtihon
markazi» МЧЖга

_____
_____
(яшаш манзили)
_____да

яшовчи _____
_____ дан
(ариза берувчи Ф.И.О)
_____
_____
(алоқа телефони)
_____
_____
(электрон манзили)

АРИЗА

Менга аудитор малака сертификатини олиш/амал қилиш муддатини узайтириш учун*_малака имтиҳонини топширишга, дубликат бериш/қайта расмийлаштиришга*_рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

20___ йил "_____" _____

Шахсий имзо _____

*)*керакли сўзларнинг тагига чизинг.*

Аудиторнинг малака
сертификатини бериш, қайта
расмийлаштириш, амал қилиши
муддатини узайтириш ва тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Талабгор _____ни

(фамилия, исми, отасининг исми)

аудиторнинг малака сертификатини олиш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида BAIM Эксперт комиссиясининг ___-сон хулосаси

BAIM Эксперт комиссияси йиғилишини ўтказиш санаси 20__ й «___»_____.

Талабгор (*фамилияси, исми, отасининг исми*) BAIMга аудитор малака сертификатини олиш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этди: (ҳужжатлар рўйхати кўрсатилсин).

BAIM Эксперт комиссиясининг хулосасига кўра тақдим этилган ҳужжатлар ___-банд талабларига мос келади (мос келмайди)

_____.

(рад этилган тақдирда сабаблари кўрсатилсин)

Шу муносабатда Талабгор *(фамилияси, исми, отасининг исми)* малака имтиҳонини топширишга киритилади (киритилмайди).

Эксперт комиссиясининг раиси _____

(имзо , Ф.И.О.)

Эксперт комиссиясининг аъзолари: _____

(имзо , Ф.И.О.)

_____

(имзо , Ф.И.О.)

Аудиторнинг малака
сертификатини бериш, қайта
расмийлаштириш, амал қилиши
муддатини узайтириш ва тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Талабгор _____ни
(фамилия, исми, отасининг исми)
аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширтирмасдан бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисида BAIM Эксперт комиссиясининг ___-сон хулосаси

BAIM Эксперт комиссияси йиғилишини утказиш санаси 20__ йил "___"_____.

Талабгор (*фамилияси, исми, отасининг исми*) BAIMга аудитор малака сертификатини олиш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этди: (*ҳужжатлар рўйхати кўрсатилсин*).

BAIM Эксперт комиссиясининг хулосасига кўра тақдим этилган: _____ ҳужжатлар ___ -банд талабларига мос келади.

Талабгор (аудитор)_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)
_____га эга,
(кўрсатилсин – халқаро бухгалтер сертификати ёки аудиторнинг 10 йилдан кам бўлмаган иш стажи)

Шу муносабатда аудиторнинг малака сертификати малака имтиҳонини топширтирмасдан _____муддатга берилади (муддати узайтирилади).
(муддат кўрсатилсин)

Эксперт комиссиясининг раиси _____
(имзо , Ф.И.О.)
Эксперт комиссиясининг аъзолари: _____
(имзо , Ф.И.О.)
_____
(имзо , Ф.И.О.)

Аудиторнинг малака
сертификатини бериш, қайта
расмийлаштириш, амал қилиши
муддатини узайтириш ва тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари кенгашлари раислари томонидан

“Тасдиқланган”

Талабгорларнинг аудиторнинг малака сертификатини олиш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун малака имтиҳони натижалари баённомаси

_____-сон гуруҳ
Тестларни ўтказиш санаси 20___ йил “____” _____

№Т/р	Талабгорнинг Ф.И.О.	Тўғри жавоблар сони	Нотўғри жавоблар сони	Натижа (фоизда)
1…				

Малака имтиҳони _____да ўтказилди
(ташкилотнинг номи)

Имтиҳон комиссиясининг раиси
(имзо) _____
(Ф.И.О.)

Имтиҳон комиссиясининг аъзолари:
(имзо) (Ф.И.О.)
(Ф.И.О.)

Аудиторнинг малака
сертификатини бериш, қайта
расмийлаштириш, амал қилиши
муддатини узайтириш ва тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари кенгашлари раислари томонидан

“Тасдиқланган”

Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширтирмасдан бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) рухсат этилган талабгорлар рўйхати

Қарор қабул қилинган сана 20___йил “____” _____

Т/р	**Талабгорлар Ф.И.О.**
1	
2	
3	
4	
5	

Эксперт комиссиясининг раиси _____
(имзо , Ф.И.О.)

Эксперт комиссиясининг аъзолари: _____
(имзо , Ф.И.О.)

_____
(имзо , Ф.И.О.)

Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий ассоциацияси,
Ўзбекистон аудиторлар палатасининг
2021 йил "6" сентябрдаги
38/ИМ, 271-сон қарорига
3-ИЛОВА

АУДИТОРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ДАСТУРИ

1-БЎЛИМ. Молиявий ҳисоб (12 соат)
2-БЎЛИМ. Бошқарув ҳисоби (2 соат)
3-БЎЛИМ. Молиявий таҳлил (2 соат)
4-БЎЛИМ. Аудит (10 соат)
5-БЎЛИМ. Солиқ солиш (10 соат)
6-БЎЛИМ. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш (4 соат)

Жами 40 соат ***(Алоҳида бўлимларга доир соат миқдори ҳар бир бўлим бўйича белгиланган давомийлигидан келиб чиққан ҳолда 15% гача ўзгартирилиши мумкин)***

1-БЎЛИМ. Молиявий ҳисоб (12 соат)

1-Мавзу. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан (кейинги ўринларда-МҲХС) келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва улар бўйича йил давомидаги ўзгаришлар.
2-Мавзу. МҲХСни қўллаш амалиёти.
3-Мавзу. МҲХС бўйича алоҳида ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларни расмийлаштириш.
4-Мавзу. Вазиятли масалалар.

2-БЎЛИМ. Бошқарув ҳисоби (2 Соат)

1-Мавзу. Бошқарув ҳисобининг замонавий амалиёти.
2-Мавзу. Вазиятли масалалар.

3-БЎЛИМ. Молиявий таҳлил (2 соат)

1-Мавзу. Молиявий таҳлилнинг янги тенденциялари.

2-Мавзу. Вазиятли масалалар.

4-БЎЛИМ. Аудит (10 соат)

1-Мавзу. Аудиторлик хизматларининг сифатини ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш амалиёти.

2-Мавзу. Фирибгарлик ҳаракатларини аниқлаш, аудиторлик фаолиятида пул ювишга қарши кураш.

3-Мавзу. Аудиторларнинг касбий этикаси.

4-Мавзу. Амалий аудит.

5-БЎЛИМ. Солиқ солиш (10 соат)

1-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидаги ўзгаришларга шарҳ.

2-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси бўйича алоҳида қоидаларни қўллаш амалиёти.

3-Мавзу. Вазиятли масалалар.

6-БЎЛИМ. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш (4 соат)

1-Мавзу. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш қонунчилиги алоҳида қоидаларни қўллашга доир муаммоли масалалар ва мавжуд амлиёт

2-Мавзу. Вазиятли масалалар.